

1-сектор раҳбаријатининг навбатдаги сайёр қабули Мевазор маҳалласида ўтказилди

Хабар бериб борилаётганидек, ҳудудларда секторлар раҳбарлари томонидан сайёр қабуллар ташкил этилмоқда.

Навбатдаги фуқаролар қабули бугун "Мевазор" маҳалласида 1-сектор раҳбаријати, туман ҳокимининг ўринбосари Шерзодбек Исмоилов иштирокида бўлиб ўтди.

Қабул жараёнида келиб тушган ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш ва ободонлаштириш, моддий ёрдам олиш ва бошқа масалалар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, масъуларга ижро учун йўналтирилди.

Айрим мурожаатларга соҳа мутахассислари томонидан ҳуқуқий маълумот ва тушунишилар берилди. Муддат ва маблағ талаб этилган мурожаатлар назоратга олинди.





2024-05-10 21:25:26